


## Янги чиққан ойни кўрганда ўқиладиган дуо



15:20 / 22.11.2025 1566

Фалакий ҳисобга кўра, ҳижрий 1447 йил жумадус соний ойининг 1 куни 2025 йил 22 ноябр шанба кунига тўғри келмоқда. Жумадус соний ойдан сўнг иншаАллоҳ, муборак Рамазон ойига уч ой қолади. Шунинг учун ушбу ой қиш фаслига тўғри келгани, кундузлари қисқа бўлгани боис, қазо рўзаларни тутишга жуда қулай фурсат. Бу ғанимат кунлардан фойдаланиб, зиммамиздаги қарзлардан қутулиб олайлик.

Пайғамбаримиз Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон янги чиққан ойни кўрсалар шундай дуо қилардилар:

اَللّٰهُمَّ اِنِّيْ لِرَبِّكَ رَجُوٌّ وَاَسْتَاغِيْرٌ وَاَسْئَلُكَ بِرَبِّكَ اَنْ تَجْعَلَ لِيْ رِزْقًا حَلٰلًا

Аллоҳумма аҳиллаҳу алайна бил юмни вал иймани, вас салаамати вал Ислами, Роббий ва Роббукаллоҳ.

Маъноси: Эй, Аллоҳим! Бу ойни бизларга барака ва имон, саломатлик ва  
Ислом ойи қилгин! Эй, ҳилол, менинг ҳам, сенинг ҳам Роббинг Аллоҳдир!